

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ
ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ = ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ
ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЙ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ
ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ= ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ
ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЙ

Методик қўлланма

Тошкент – 2009

78.342

A 90

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

*Тузувчилар: И.Маминова, О.Қиличбоев
Муҳаррир А.О. Умаров*

Ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги = Взаимодействие информационно-библиотечных учреждений: Метод. қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчилар: И.Маминова, О.Қиличбоев; Муҳаррир А.Умаров.- Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009.- 76 б.

КБК 78.342+78.34 (5 ў)

Ушбу методик қўлланма ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш масалаларига бағишланган.

Қўлланмада ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари, вазифалари, асосий йўналишлари, шунингдек мавзуга оид ҳужжатлар намунаси ҳам берилган.

Қўлланма кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари мутахассисларига мўлжалланган.

**© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2009 й.
Муқаддима**

Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қароридан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ахборот-кутубхона фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ташкил этилди. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларида кутубхона тармоғини такомиллаштириш учун минтақавий идоралараро кенгашлар ташкил этилди. Президент қарорида белгилаб берилган маданий, таълимий, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низомда белгиланган ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарнинг нашриётлар, китоб савдоси ташкилотлари оммавий ахборот воситалари билан, шунингдек, МДХ давлатларининг кутубхоналари билан ўзаро ҳамкорликни яхшилаш бўйича АКМ, АРМ ҳамда кутубхоналарда ижобий ишлар амалга оширилди ва тажрибалар орттирилди. Лекин айрим жойларда ахборот-

кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигида баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Бундай муаммоларнинг юзага келиш сабаби ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигида иш шакл ва усулларини белгилаб берувчи дастуруламал ҳужжатга эга эмаслигидадир. Ахборот-кутубхона муассасаларининг фаолиятидаги ана шу муаммоларни маълум маънода бартараф этиш, бу йўналишнинг оқилона, самарали шакл ва усулларини ёритиб бериш мақсадида тегишли материаллар тўпланиб, ушбу қўлланма тайёрланди.

РЕСПУБЛИКА АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Янги ахборот технологияларининг тараққиёти туфайли ахборот излаш ва тўплаш имкониятлари ошиб бораётган ҳозирги замонда ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот ҳамкорлиги Ўзбекистон ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналари ўртасидаги муносабатлар ривожининг суръатлари ошишини назарда тутди. Шу сабабли ушбу ҳамкорликда барча кутубхоналарнинг иштирок этиши уларнинг ўз фондларини ривожлантириши жуда муҳим ва зарурдир.

Кутубхоналараро идоралараро ягона ахборот маконини яратиш мақсадида кутубхоналар билан ҳам горизантал, ҳам вертикал даражада алоқаларни йўлга қўйиш, минтақавий кутубхоналар, шаҳар ва туман кутубхоналари билан мувофиқлаштирувчи алоқаларни белгилаш, идоралараро муносабатларни тартибга солиш ҳамкорликнинг жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналари ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ва йўналтириш учун

сафарбар этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш («Идоралараро кенгаш») мазкур йўналишдаги коллегиял орган ҳисобланади. Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низом турли идоралар ахборот-кутубхона муассасаларининг ҳамкорлиги масалаларини тартибга солувчи норматив ҳужжат ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 июлдаги 150-сон Қарори билан тасдиқланган.

Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низомда Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот-кутубхона тизими ва миллий ахборот кутубхона фондининг фаолияти ва ривожланиши соҳасидаги стратегик устуворликларни амалга ошириш, тармоқлараро ташкилий-методик раҳбарлик қилиш, улар фаолиятининг барча йўналиши бўйича ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарни ривожлантириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, шунингдек мамлакатда ва хорижда илмий-ахборот фаолиятининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимларининг мақбул фаолият олиб боришига доир тавсиялар ишлаб чиқиш учун кенгашнинг асосий вазифалари ва функциялари баён этилган.

Республика ахборот-кутубхона тизимини замонавий, қулай ва яхши ташкил этилган даражага олиб чиқишдан иборат битта умумий вазифани амалга ошириш учун Низомнинг бутун матни турли идоралар кутубхоналарининг биргаликдаги фаолияти бўйича йўналишларни ўз ичига олган.

Ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарнинг нашриётлар, китоб

савдоси ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини яхшилашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш Низомда қайд этилган асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинганига икки йилдан ошди. Мазкур ҳужжатларни рўёбга чиқариш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда, республика ахборот-кутубхона тизимини такомиллаштириш, минтақаларнинг асосий кутубхоналари ҳисобланган ахборот-кутубхона марказларини ахборотлаштириш ва моддий-техник таъминлаш нуқтаи назаридан ишларни янада юқорироқ даражага олиб чиқиш бўйича саъй-ҳаракатларни жисплаштиришда ижобий қадамлар ташланди. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорига мувофиқ уларнинг кутубхона тармоғини такомиллаштириш учун ўз ишини ташкил этувчи шунга ўхшаш минтақавий идоралараро кенгашлар ташкил этилди.

Афсуски, ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналар ўртасида умумий, мувофиқлаштирилган фаолиятни ташкил этишнинг муҳимлигини тушунишда, шунингдек ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар фаолиятини бошқарувчи вилоят бошқармаларига раҳбарлик қилишда муаммолар келиб чиқмоқда. Бугунги кунда «ўзича» ҳаракат қилиш мумкин эмас ва бунинг имкони йўқ. Жойларда, минтақаларда биргаликда иш олиб боришни, турли идоралар кутубхоналари билан ҳамкорлик қилишни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш зарур. Фойдаланувчиларга тезкор ахборот тақдим этишида

тарқоқ эмас, уюшган ҳолда фаолият олиб бориш ягона мақсадимиздир.

Ҳамкорликни йўлга қўйишга доир муаммо келиб чиққанлиги муносабати билан биз эътиборли доираларда бу ҳақда кўп гапираяпмиз, хулосаларимизни муносиб ҳужжатда (низомда) белгилаш ва Идоралараро кенгашни тасдиқлаш вақти келди. Мазкур ҳужжат республика кутубхоналари ҳамкорлиги ва жипслашуви бўйича асосий йўналишларни тартибга соларди, АКМ, АРМ ва кутубхоналар, шунингдек МДХ давлатлари кутубхоналари ўртасида касбга доир муносабатларни белгилаб берган ва мустаҳкамлаган бўлур эди, бу эса нафақат минтақалараро даражадаги алоқаларни, балки халқаро кутубхона-ахборот маконидаги алоқаларни сезиларли даражада мустаҳкамлар эди. Қуйида Миллий кутубхона тажрибасидан намуналар келтирамиз.

1. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-кутубхона муассасаларига ёрдам берувчи илмий методик марказ. Мазкур йўналишда катта тажриба тўпланган ва у бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун андоза бўлиб хизмат қилиши мумкин. Фаолиятнинг турли босқичларида кадрларни тайёрлаган ҳолда норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича (ҳужжатларни инструктив тартибга солувчи Қонунлар, Концепциялар, Дастурлар лойиҳалари ва ҳоказолар) биргаликда иш олиб борилди, кутубхона мутахассислари малакасини ошириш бўйича умумий тадбирлар, республика ва халқаро конференциялар ва семинарлар ўтказилди. Биз минтақавий АКМ ва АРМга методик ёрдам шакллари ривожлантиришни ва тўлдиришни таклиф этамиз.

2. Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нашриётчилик фаолияти суръатлари ошиб бормоқда ҳамда самарали ҳамкорлик ва ўзаро муносабат объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Мазкур йўналишда ахборот-кутубхона муассасалари ва кутубхоналар тажрибасини таҳлил қилувчи

ва умумлаштирувчи нашрлар ва эълонлар, турли долзарб мавзулар бўйича муаммоли материалларни чоп этиш сингари ўзаро саъй-ҳаракатлар шакллари ривожланиши мумкин.

3. Республика ичкарисида китоб айрибошлаш. Бу ўринда мувофиқлаштириш, ахборот айрибошлаш ва дублет фондларни айрибошлаш учун кенг имконият очилади. Миллий кутубхона минтақавий нашриётларда чоп этиладиган босма маҳсулотни олишдан манфаатдор. Булар вилоят олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг асарлари ва материаллари, минтақавий конференциялар, семинарлар материаллар тўплами ва ҳоказолардир.

4. Кутубхона фаолияти – кутубхоналар, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан бири. Ўз вақтида Миллий кутубхона кутубхоналарнинг ўлкашунослик фаолиятини, шу жумладан ўлкашунослик библиографияси бўйича кутубхоналар фаолиятини тартибга солувчи бир қатор ҳужжатларни ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ этди. Кейинчалик бир қатор ҳужжатларни кўриб чиқиш ва республика ахборот-кутубхона муассасалари ўртасида кутубхоначилик фаолиятини мувофиқлаштиришни тартибга солувчи ҳужжатларни яратиш бўйича концепцияни ишлаб чиқиш зарур.

5. Автоматлаштириш соҳасида ҳамкорлик. Унинг ёрдамида анъанавий карточка каталоглари маълумотларнинг электрон каталоглар айланадиган янги ахборот технологияларини яратиш ахборотларни сақлашни ривожлантиришда янги босқич бўлди. Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасаларида ҳозирги вақтда электрон каталоглар, тўлиқ матнли, фактографик, мультимедиявий, рефератив ва библиографик маълумотлар базаси яратилмоқда. Электрон жамғармалардан фойдаланиш қулай ва қуйидаги бир қатор устунликларга эга:

- каталоглаштиришнинг электрон воситаларидан фойдаланган ҳолда зарур маълумотлардан қулай ва тез фойдаланиш;

- Интернетнинг глобал тармоғи орқали ҳужжатлар ўтказиш ва айирбошлаш.

Бундан ташқари, электрон каталоглар кутубхоналарнинг ахборот ва кутубхоналараро ҳамкорлигини таъминлашга кўмаклашади.

6. Миллий кутубхона фондиди ташкил этиш ва сақлаш. АКМ, АРМ ва кутубхоналар фондларини тўлдириш муаммоларини ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик қилиш. Умумий каталоглар яратиш, фондларни ўрганиш, қўлёзма мероснинг сақланиши концепциясини ишлаб чиқиш, консервация ва хавфсизлик, рақамлаш ва тўлиқ матнли маълумотлар базасини яратиш муаммолари бўйича қўлёзмалар ва қадимий китобларнинг мавжуд фондлари, кутубхоналар, нодир китоблар ва қўлёзмалар бўлимнинг ўзаро ҳамкорлиги.

7. Миллий кутубхона ва ахборот-кутубхона марказлари ўртасида, шунингдек методик марказлар кутубхоналари сифатида уларнинг функцияларини самарали амалга ошириш мақсадида мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилиш масалалари белгилаб олинган марказлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш вақти келди.

Турли йўналишлар бўйича ахборот-кутубхона муассасалари ҳамкорлигини режалаштираётиб, ҳам Миллий кутубхона, ҳам АКМ, АРМ ва турли идоралар кутубхоналари фаолиятидаги баъзи хусусиятларни ҳисобга олиш зарур. Ҳозирда жойлардаги бошқарув органларига кўп ваколатлар берилган. Бу ҳолатда АКМ ва вилоятлар ҳокимликлари маданият бошқармалари ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур, вилоят ахборот-кутубхона маркази ишчи органи сифатида фаолият олиб бориши керак бўлган ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш

бўйича вилоят идоралараро кенгашининг яхши ташкил этилган фаолияти бу ерда сезиларли ёрдам бериши мумкин.

Лойиҳа

**Ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари
ва кутубхоналарнинг ўзаро муносабатлари
тўғрисида
низом**

1. Умумий қоидалар

1.1. Идоралараро даражада ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг (кейинги ўринларда ахборот-кутубхона муассасалари деб юритилади) фаолиятининг асосий йўналиши бўйича уларнинг ўзаро муносабатлари умумий тамойилларини белгилайди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 20 июндаги ПФ-381-сон қарорига мувофиқ минтақавий даражада уларнинг ўзаро ҳамкорлиги тартибини белгилайди.

1.2. Ахборот-кутубхона муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар мажбурий ҳисобланади ва турли даражадаги ахборот-кутубхона муассасаларининг барча типлари ва турларини қамраб олади.

1.3. Ахборот-кутубхона муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ишларнинг мувофиқлаштирилиши тасдиқланган «Ахборот-кутубхона маркази тўғрисида», «Таълим муассасасининг ахборот-ресурс маркази

тўғрисида»ги Намунавий низомлар ва мазкур Низом асосида амалга оширилади.

Ўзаро ҳамкорлик тартиби ушбу Низом, қонун ҳужжатлари, давлат республика дастурлари, кутубхоналарнинг Уставлари, шунингдек ахборот-кутубхона муассасалари билан бошқа ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар билан белгиланади.

1.4. Ўзаро ҳамкорликнинг мазмуни ва хусусияти ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг муҳим йўналишларини қамраб олувчи келишилган истиқболли ва йиллик режалар ва дастурларни тузиш йўли билан белгиланади:

- фондларни тўлдириш;
- китобхонларга хизмат кўрсатиш;
- ахборот-кутубхона фаолияти;
- методик ва илмий-тадқиқот ишлари, шу жумладан методик қўлланмалар тузиш ва нашр этиш, тадқиқотларда ва социологик сўровларда иштирок этиш, малака ошириш ва тажриба алмашишга доир тадбирлар ўтказиш;
- ижтимоий ҳамкорлик, кутубхоналарнинг жамоатчилик билан алоқаси ("Public relations");
- бирламчи ва иккиламчи ахборот ресурсларини тузиш, яратиш ва улардан фойдаланиш даражасида тармоқда ўзаро ҳамкорлик қилиш: корпоратив каталоглаштириш, йиғма электрон каталогни ташкил этиш, каталоглар ретроконверсияси, умумий тармоқ ва тематик маълумотлар базасини ташкил этиш;
- ХКА ва ММБА бўйича хизмат кўрсатиш, ҳужжатларни электрон етказиб бериш;
- хорижий маълумотлар базасидан фойдаланишни таъминлаш.

1.5. Ўзаро ҳамкорликнинг алоҳида йўналишлари бўйича мустақил Низомлар ва Йўриқномалар, шунингдек ушбу муассасалар ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик

тўғрисида Шартнома (Битим) ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши мумкин.

2. Асосий мақсадлар ва вазифалар

2.1. Ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро муносабати қуйидагиларни таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган:

- аҳолини ахборот-кутубхона билан таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги даражаси, замонавий ахборот технологиялари асосида унинг илмий, таълим, ахборот ва маданий манфаатларини тезкор қондириш;

- хусусий ахборот ресурсларини ташкил этиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланишга имконият яратиб бериш йўли билан китобхонларга анъанавий кутубхона хизматларини кўрсатишдан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтиш;

- миллий ва хорижий нашриётлар фондларини ташкил этиш, уларни асраш ва универсал ахборот ресурсларини тақдим этиш (босма, аудиовизуал, электрон ва б.), улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, харид қилиш учун сарфланадиган оқилona бўлмаган харажатларга йўл қўймаслик, ахборот манбаларини қайта ишлаш ва сақлаш;

- йиғма электрон каталог ёрдамида кутубхоналарнинг ахборот ресурсларини бирлаштирадиган электрон кутубхоналар ва маълумотлар базасини ташкил этиш;

- жойларда ахборотлаштириш ва кутубхона иши соҳасида ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкилий-методик таъминлаш;

- режали ва ҳисобот ҳужжатларини тартибга солиш;

- кутубхона мониторингини олиб бориш ва ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини таҳлил қилиш.

2.2. Ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳар бир муассасанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар фаолиятининг умумий вазифалари ҳамда республиканинг муайян минтақалари шарт-шароитлари асосида қурилади.

2.3. Ахборот-кутубхона марказлари уларнинг зиммасига юкланган функцияларга мувофиқ универсал фондни анъанавий ва анъанавий бўлмаган ахборот манбаларидан илмий, маълумотнома, ўқув, бадиий ва илмий-оммабоп ҳужжатлар билан зарур даражада тўлдириш учун жавоб беради, фондни Интернет тармоғининг ахборот ресурслари, бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлар базалари ва банклари билан тўлдиради, минтақада яратиладиган ҳужжатлар фондиди (олимлар, педагогларнинг эълон қилинган ишлари, рефератлар) ҳужжатлар билан тўлдиради, ҳужжатларни жойлаштиради, ташкил этади ва сақлайди, шунингдек ахборот маҳсулотлари яратади, турли-туман кутубхона-ахборот хизмати кўрсатади, маслаҳатлар беради.

2.4. Таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари маданий, таълим, ахборот датурларини ва бошқа дастурларни, лойиҳалар, акцияларни биргаликда амалга ошириш учун, шунингдек фойдаланувчиларнинг ҳужжатлар ва ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун ахборот-кутубхона марказлари, турли идоралар кутубхоналари, таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий таъминот хизматлари, миллий маданият марказлари билан узвий алоқада иш олиб боради.

Якка тартибда ва гуруҳ бўлиб хизмат кўрсатиш методларини қўллаган ҳолда ўқув залларида, абонементларда ва бошқа тарқатиш пунктларида фойдаланувчиларга турли хизматлар кўрсатади, кафедраларда, ўқув марказларида, ўқув юрти лабораторияларида кутубхона ахборотини тақдим этиш ва бериш халқаро форматига (MARC форматлари) мувофиқ электрон ахборот ресурсларини тўплайди, тизимлаштиради, каталоглаштиради.

3. Ўзаро ҳамкорлик ишларининг мазмуни ва уни ташкил этиш

3.1. Ахборот-кутубхона муассасалари республика аҳолиси, шунингдек бошқа давлатлар фуқароларига ёшидан қатъи назар, ўз фондларидан фойдаланишини ҳамда фондлар таркиби тўғрисидаги ахборотнинг тўлиқлигини кафолатлайди. Ушбу ҳудуддаги фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ ахборот-кутубхона фондларини шакллантиради.

Корхоналар ва муассасаларда кутубхоналар мавжуд бўлмаса, АКМ ва АРМ ушбу ташкилотларнинг фойдаланувчиларини зарур ахборот билан таъминлайди.

3.2. Маълумотнома-кутубхона хизмати фондлар, электрон тармоқ маълумотлар базаси ва Интернет ресурслари ҳамда бошқа ахборот материалларидан ўзаро фойдаланиш асосида ахборот-кутубхона муассасалари томонидан кўрсатилади.

Ахборот-кутубхона муассасалари ҳамкорликда халқнинг миллий маънавий-ахлоқий қадриятларини, миллий-тарихий меросини кенг тарғиб қилиш бўйича ахборот-оммавий тадбирлар ўтказиши, маънавий бой ва баркамол шахснинг ижодий камол топиши учун имконият беради.

3.3. Ахборот-кутубхона муассасалари қуйидагилар воситасида жамиятда ўзининг ижобий нуфузини шакллантириш, ахборот-кутубхона лойиҳаларини амалга ошириш ва ахборот бозорида хизматлар кўрсатиш ишларини амалга оширади:

- жамоатчилик, ҳамкорлар ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш;
- фаолият ва хизматлар рекламаси;
- сайтни ахборот билан тўлдириш;
- молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбаларини излаш;
- ахборот-кутубхона маркетинги ва рекламасининг бутун кўлами бўйича мутахассисларга ахборот ва маслаҳатлар бериш;

- фойдаланувчиларга пулли хизматлар кўрсатиш бўйича норматив-ташкилий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ташкилотлар учун ахборот-кутубхона ва кутубхона хизмати учун шартнома тузиш;
- кутубхоналар эҳтиёжи учун давлат харидлари бўйича очиқ савдолар ўтказиш;
- кутубхоналар учун ва корпоратив мижозлар учун реклама полиграфиясини тайёрлаш;
- турли ахборот-кутубхона муассасалари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш.

3.4. Кутубхоналараро абонемент бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида ахборот ресурсларининг ўзаро муносабати ва улардан ўзаро фойдаланиш 2005 йил 11 мартда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Иқтисодий кенгаши қарори билан тасдиқланган «Кутубхоналараро абонемент тизими ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ҳужжатларини етказиб бериш тўғрисидаги низом» ва Ўзбекистон Республикаси ХКА миллий маркази функцияларини бажарувчи Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида ХКАнинг ягона тизими тўғрисидаги низом» асосида амалга оширилади.

3.5. Фойдаланувчиларга энг қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолини ахборот-кутубхона муассасалари йўриқномалари билан кенгроқ ва тизимли таъминлаш мақсадида улар фаолиятининг мувофиқлаштирилган тартиби белгиланади.

3.6. Ўзаро ҳамкорлик бўйича тадбирлар, дастурлар, шартномалар режалари турли идоралар кутубхоналарини жалб этган ҳолда республика ва минтақавий даражада АКМ, АРМ томонидан ҳамкорликда тузилади ва юқорида турувчи органлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

3.7. Ушбу «Низом»нинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 июлдаги 150-сон қарори билан тасдиқланган Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштирувчи идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низом асосида иш кўрувчи Идоралараро кенгаш томонидан назорат қилинади.

Ахборот-кутубхона муассасаларида методик ишларни ташкил этишнинг намунавий низоми

1. Умумий қоидалар

1. Методик ишлар – ахборот-кутубхона муассасалари (кейинги ўринларда АКМ деб юритилади) фаолиятининг етакчи йўналишларидан бири.

2. АКМнинг методик ишлари республика аҳолисига ахборот-библиография ва ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этишни такомиллаштириш; республикада ахборот-кутубхона ишини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга кўмаклашиш; кутубхона ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган илмий ва ташкилий фаолият ҳисобланади.

3. АКМнинг методик ишлари илмий тадқиқотлар натижаларига, ахборот-кутубхона ишининг ҳолатини таҳлил қилишга, илғор кутубхона тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришга асосланади.

4. АКМ ўзининг методик фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, Президентнинг фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига, методик марказларнинг тартибга солувчи ҳужжатларига, методик тавсияларига, АКМ Уставига, АКМ

директори ва унинг ўринбосарларининг буйруқлари ва кўрсатмаларига, АКМ ва унинг таркибий бўлинмалари истиқболли иш режаларига, ушбу Низомга амал қилади.

5. АКМнинг методик ишлари ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимининг методик марказлари ҳамда бошқа идоралар ва тизимларнинг ахборот-кутубхона муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилади.

6. АКМнинг методик ишлари вазифалари ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, АКМ Устави, АКМнинг илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишлари бўлими тўғрисидаги низом билан белгиланади.

2. Методик ишларни ташкил этиш ва бошқариш

1. Методик функцияларни бажариш АКМнинг асосий фаолият билан машғул бўлган барча бўлимлари иши ҳисобланади. Методик ишларда бўлим, шўъбалар мудирлари, барча тоифалардаги кутубхоначилар, бош ва етакчи мутахассислар қатнашадилар.

2. Методик ишларга АКМ директорининг ўринбосари асосий фаолияти бўйича раҳбарлик қилади. Фаолиятининг айрим йўналишларига фаолиятнинг ушбу турларига мутасаддилик қиладиган директор ўринбосарлари раҳбарлик қиладилар. Директор ўринбосари:

- АКМ бўлимларининг методик ишларини назорат қилади ва таҳлил этади, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

- методик ишларнинг йиғма режалари асосида таркибий бўлинмаларнинг методик фаолиятини мувофиқлаштиради;
- бошқа ахборот-кутубхона муассасалари билан ишлар мувофиқлаштирилиши учун жавоб беради;
- методик ишларнинг умумий ҳисобини юритади ва унинг бажарилишини назорат қилади;
- кутубхона ишини ўрганиш ва тажриба алмашиш, методик ёрдам кўрсатиш мақсадида мутахассисларнинг республика (минтақа, мамлакат, чет эл) АКМларига боришини ташкил этади;
- методик ишларнинг илмий асосларини, унинг мазмуни ва шаклларига қўйиладиган ягона талабларни ишлаб чиқади;
- юқори турувчи ташкилотлар учун ўлкада методик ишларни такомиллаштириш йўналишлари тўғрисида маърузалар, маълумотномалар ва таклифлар тайёрлайди;
- АКМ ходимларининг методик тайёргарлиги даражасини оширишни ташкил этиш учун жавоб беради.

3. Методик ишларнинг энг муҳим муаммолари, кутубхона иши бўйича дастурий ва норматив тартибга солувчи ҳужжатлар лойиҳалари АКМнинг Илмий кенгашида (Кутубхона кенгашида ва бошқада) кўриб чиқилади.

4. АКМнинг илмий-методик ишлар бўлими дирекция билан биргаликда «Илмий-методик ишлар бўлими тўғрисидаги Низом» (Методик ишлар)га амал қилган ҳолда функционал бўлимларнинг методик ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради:

- бўлимлар билан биргаликда улар методик фаолиятининг мазмунини ва асосий вазифаларини белгилайди;
- Кутубхонанинг илмий-методик ишини мувофиқлаштиради; АКМ таркибий бўлинмаларининг

режалари асосида методик ишларнинг йиғма режасини тузишда қатнашади;

- методик ишлар масалалари бўйича бошқа ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорликни мувофиқлаштиради;

- АРМ ва кутубхоналарга методик ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш бўйича АКМ бўлимлари фаолиятини ташкил этади;

- бўлимларнинг ташкилий-тартибга солувчи ҳужжатларини ишлаб чиқишда кутубхона бўлимларига, бўлим мудирларига методик-маслаҳат ёрдами беради;

- АКМ ходимларининг методик тайёргарлигини ошириш тадбирларини ташкил этишда қатнашади;

- иш жойларида кутубхона ходимларининг стажировкасини ташкил этади;

- кутубхонанинг Методик Кенгаши (ёки бошқа Кенгаши) фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишда қатнашади.

5. АКМ бўлимлари ўз иши ихтисослигига мувофиқ:

- бўлимлар тўғрисидаги Низомда бириктирилган ўз функционал вазифасига мувофиқ методик ишларни олиб боради;

- бўлимларда методик ишлар илмий тадқиқотлар натижалари, кутубхона бўлимларида тўпланган ижобий тажрибани таҳлил қилиш, умумлаштириш ва жорий этиш, шунингдек республика АКМ иш тажрибасидан фойдаланиш асосига қурилади;

- бўлимлар ва шўъбалар мудирлари ўз иши ихтисослигига мувофиқ ўз бўлинмасида ваколатли мутахассислар ҳисобланган ҳолда:

- методик ишлар режаларини тузадилар;
- тартибга солувчи ҳужжатларни ишлаб чиқадилар;

- кутубхона Методик Кенгаши ишида қатнашадилар;
- бўлимларда методик кенгашлар ўтказадилар;
- методик ечимлар картотекасини юритадилар ва тавсиялар бажарилиши устидан назорат қиладилар;
- бошқа бўлимларнинг ходимларига малака ёрдами берадилар;
 - республика, минтақа АРМ ва кутубхоналарига методик, технологик ёрдам кўрсатадилар, маслаҳатлар берадилар.
 - бўлимлар ва шўъбалар мудирлари ўз бўлимларида ходимлар учун ишлаб чиқариш ўқишини ташкил этадилар ва кутубхона томонидан ташкил этиладиган малака ошириш тадбирларида қатнашадилар;
 - ходимларнинг маълумоти даражасидан, иш стажидан қатъи назар узлуксиз таълим тизими ташкил этилиши учун жавоб берадилар, бунинг учун табақалаштирилган ёндашувдан, яқка тартибдаги иш шаклларида, техник воситалардан фойдаланадилар;
 - кутубхона иши бўйича янги китоблар ва журналлар шарҳларини ўтказадилар;
 - илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ишида, Методик кенгаш мажлисларида қатнашадилар;
 - иш тажрибасини ўрганиш мақсадида кутубхоналарга борадилар;
 - мақолалар ва кутубхона нашрларида иш тажрибасини умумлаштирадилар;
 - минтақа кутубхона кадрлари малакасини ошириш курсларида маърузалар ва методик тавсиялар билан чиқадилар;
 - танловлар ва кўрик-танловларда қатнашадилар.

6. Бўлимлар методик ишларини ҳисобга олиш бўлимлар ва шўъбалар мудирлари томонидан методик ва ишлаб чиқариш кенгашларининг баённомаларида, иш кундаликларида акс эттирилади; амалга оширилган

методик иш тўғрисидаги маълумотлар таҳлилий ва матнли ҳисоботларда акс эттирилади.

7. Методик нашрлар режалари ва тайёрланган методик нашрлар Миллий кутубхонанинг ДВГ Методик кенгашида муҳокама қилинади.

8. АКМ бўлимлари томонидан тайёрланган йўриқнома-методик хусусиятга эга бўлган барча материаллар АКМ Методик Кенгашида муҳокама қилинади

9. Функционал бўлимлар ходимлари томонидан тайёрланган маълумотномалар бўлим мудирлари томонидан тақриз қилинади ва илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишлари бўлимида сақланади.

Ахборот-кутубхона муассасалари бўлимларида методик ишларни ташкил этиш бўйича намунавий эслатма

1. Ахборот-кутубхона муассасалари бўлимлари (кейинги ўринларда АКМ деб юритилади) бўлимлар тўғрисидаги Низомда бириктирилган ўз функционал вазифасига мувофиқ методик ишларни олиб боради.

2. Бўлимларда методик ишлар илмий тадқиқотлар натижалари, кутубхона бўлимларида тўпланган ижобий тажрибани таҳлил қилиш, умумлаштириш ва жорий этиш, шунингдек республика АКМ иш тажрибасидан фойдаланиш, ходимларнинг касб таълими бўйича ўқишлар ташкил этиш асосига қурилади.

3. Бўлимлар ва шўъбалар мудирлари ўз иши ихтисосига мувофиқ ўз бўлинмасида ваколатли мутахассислар ҳисобланган ҳолда:

- методик ишлар режаларини тузадилар;
- тартибга солувчи ҳужжатларни ишлаб чиқадилар;
- бўлимларда методик ишларда қатнашадилар;
- методик ечимлар картотекасини юритадилар ва тавсиялар бажарилиши устидан назорат қиладилар;

- бошқа бўлимларнинг ходимларига малакали ёрдам берадилар;
- Методик Кенгаш комиссияси ишига раҳбарлик қиладилар;
- бўлимларда методик кенгашлар ўтказадилар;

минтақанинг ахборот-ресурс марказларига ва кутубхоналарига методик технологик ёрдам, масалаҳатлар берадилар.

4. Бўлимлар ва шўъбалар мудирлари ўз бўлинмаларида ходимлар учун ишлаб чиқариш ўқишини ташкил этадилар ва кутубхона томонидан ташкил этиладиган малака ошириш тадбирларида қатнашади.

- ходимларнинг маълумоти даражасидан, стажидан қатъи назар узлуксиз таълим тизими ташкил этилиши учун жавоб беради, бунинг учун табақалаштирилган ёндашувдан, яқка тартибда иш олиб бориш шаклларида, техник воситалардан фойдаланади;

- кутубхона иши бўйича янги китоблар ва журналлар шарҳини ўтказди;

- Методик Кенгашнинг илмий-амалий конференциялари ва семинарлари, кенгашлари ишида қатнашади;

- иш тажрибасини ўрганиш мақсадида АКМга боради;

- мақолаларда ва ахборот-кутубхона кутубхона нашрларида иш тажрибасини умумлаштиради;

- ўлка кутубхона кадрларининг малакасини ошириш курсларида маърузалар ва методик тавсиялар билан чиқади;

кўрик-таловларда ва танловларда қатнашади.

5. Бўлимларда методик ишларини ҳисобга олиш бўлимлар ва шўъбалар мудирлари томонидан методик ва

ишлаб чиқариш кенгашларининг баённомаларида, иш кундаликларида акс эттирилади; амалга оширилган методик иш тўғрисидаги маълумотлар таҳлилий ва матнли ҳисоботларда акс эттирилади.

Жамоатчилик билан алоқалар бўлими тўғрисида намунавий низом

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом жамоатчилик билан алоқалар бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб юритилади) бурчи, вазифаси, мақсадлари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолияти асосларини белгилайди.

1.2. Бўлим жамиятда кутубхонанинг имижини ва ахборот бозоридаги хизматларини шакллантиришдаги комплекс ишларни амалга оширади.

1.3. Бўлим кутубхонанинг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бевосита унинг раҳбарига ёки унинг ўринбосарларидан бирига бўйсунди.

1.4. Бўлим ўз фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, жамоатчилик билан алоқаларни режалаштириш, ташкил этиш ва тартибга солиш масалалари бўйича методик материалларга, кутубхонанинг ўзининг ташкилий-фармойиш берувчи ҳужжатларига ва ушбу низомга амал қилади.

1.5. Бўлимнинг фаолияти жорий ва истиқболли режалаштириш, хизмат фаолияти масалаларини ҳал этишдаги яқка бошчилик ва уларни муҳокама қилишда коллегиялик, ходимларга юкланган лавозим мажбуриятлари ва бўлим бошлиғининг алоҳида топшириқлари зарур тарзда бажарилиши учун уларнинг шахсий жавобгарлиги асосида қурилади.

1.6. Бўлим мудир ва бўлимнинг бошқа ходимлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кутубхона раҳбарининг буйруғи билан лавозимга тайинланадилар ва эгаллаб турган лавозимидан озод қилинадилар.

1.7. Бўлим бошлиғи ва бошқа ходимларнинг малака талаблари, функционал мажбуриятлари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги кутубхона раҳбари томонидан тасдиқланадиган лавозим йўриқномалари билан тартибга солинади.

1.8. Бўлимга мудир бошчилик қилади. Бўлим мудир лавозимига «Жамоатчилик билан алоқалар» мутахассислиги бўйича олий профессионал маълумотга ёки бошқа профессионал маълумотга ҳамда жамоатчилик билан алоқалар соҳасида қўшимча тайёргарликка ва мутахассислик бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

1.9. Бўлим мудир:

- бўлимнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, бўлимга юкланган вазифалар ва функциялар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

- ўз ваколатлари доирасида бошқариш функцияларини (режалаштириш, ташкил этиш, мотивация, назорат қилиш) бажаради, бўлимнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;

- бўлим ходимлари ўртасида функционал вазифаларни ва алоҳида топшириқларни тақсимлайди, уларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди, зарурат бўлганда ўзига бўйсунувчи ходимларнинг лавозим йўриқномалари ўзгариши тўғрисида кутубхона раҳбарига таклифлар киритади;

- кутубхона раҳбарига бўлим ишини такомиллаштириш, унинг тузилмасини ва штатдаги ходимлари сонини мақбуллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

- бўлим фаолиятини истиқболли ва жорий режалаштиришда, шунингдек бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларга тегишли буйруқлар, фармойишлар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда қатнашади;

- бўлимнинг моддий-техника ва ахборот таъминотини, меҳнат шароитларини яхшилаш, ходимларнинг профессионал тайёргарлигини ошириш юзасидан зарур чоралар кўради;

- бўлим кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишда қатнашади, кутубхона раҳбарига бўлим ходимларини рағбатлантириш ва уларга интизомий жазолар бериш, уларни қайта тайёрлашга ва малака оширишга юбориш тўғрисида таклифлар киритади;

- бўлим ходимларининг меҳнат мотивацияси тизимини такомиллаштиради;

- ўзига бўйсунувчи ходимлар томонидан лавозим мажбуриятлари бажарилиши, меҳнат интизомига риоя қилиниши ва умуман бўлим фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

1.10. Бўлим мудирини бўлмаган даврда унинг вазифасини унинг ўринбосари (агар бўлса) ёки кутубхона раҳбарининг буйруғи билан тайинланган бошқа ходим бажаради.

1.11. Мудир ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича бўлим номидан юбориладиган ҳужжатларга имзо чекиш ҳуқуқига эгадир.

1.12. Бўлим ўз фаолиятини кутубхонанинг бошқа хизматлари ва таркибий бўлинмалари, шунингдек ўз ваколатлари доирасида чет ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

1.13. Бўлим ходимлари лавозим мажбуриятлари зарур тарзда бажарилмаганлиги ва меҳнат интизоми бузилганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

1.14. Ушбу низом, бўлимнинг тузилмаси ва штат жадвали кутубхонанинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

2. Бўлимнинг асосий вазифалари

2.1. Имижни, шу жумладан жамоатчилик билан алоқалар соҳасида комплекс тадбирлар ўтказиш йўли билан ишдаги обрўни яхшилаш (Public Relations).

2.2. Public Relations масалалари бўйича ташкилий-методик раҳбарлик қилиш, кутубхонанинг таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

2.3. Жамоатчилик билан кутубхона алоқаларининг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва раҳбариятга тақдим этиш.

2.4. Шу жумладан замонавий ахборот технологияларидан, ижтимоий ва когнитив **психологиядан** фойдаланиш асосида ишни ташкил этиш методларини такомиллаштириш ва янги методларни жорий этиш.

2.5. Ўз ваколатлари доирасида кутубхона раҳбариятининг бошқарув қарорлари тайёрланиши ва бажарилишида қатнашиш.

2.6. Public Relations соҳасида кутубхона ходимларининг тайёргарлиги даражасини ошириш.

2.7. Кутубхонанинг мақсадларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳал этиш.

3. Бўлимнинг асосий функциялари

3.1 Кутубхонанинг жамоатчилик билан алоқалар соҳасида ички ва ташқи сиёсат концепциясини ишлаб чиқиш.

3.2. Кутубхонанинг жамоатчилик билан алоқалари самарали амалга оширилишига йўналтирилган истиқболли ва жорий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3.3. Кутубхона фаолиятига тегишли бўлган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, социологик ахборотни тўплаш ва ҳамда

унинг жамоатчилик фикри томонидан идрок қилинишини таҳлил қилиш.

3.4. Кутубхонанинг жамоатчилик томонидан идрок қилинишининг социологик ва ижтимоий-психологик тадқиқотлари, кутубхона фаолияти жамоатчилик томонидан баҳоланишига таъсир қиладиган омилларни аниқлаш, жамоатчилик билан алоқалар соҳасида мавжуд дастурларга ва кутубхонанинг сиёсатига тузатиш киритиш мақсадида ушбу йўналиш бўйича оммавий ахборот воситаларининг контент-таҳлили.

3.5. Public Relations соҳасида хизматлар кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганиш.

3.6. Жамоатчилик билан алоқалар соҳасида кутубхона фаолияти масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш.

3.7. Кутубхона раҳбарларининг жамоатчиликнинг ҳар хил гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари, юридик шахслар билан доимий ва самарали икки томонлама алоқасини таъминлаш.

3.8. Кутубхона фаолияти тўғрисида ахборот-реклама материалларини тарқатиш.

3.9. Корпоратив нашр концепциясини, кутубхонанинг расмий WEB-ресурсини ва кутубхона томонидан чиқариладиган бошқа ахборот материалларини ишлаб чиқиш.

3.10. Жамоатчилик билан алоқалар соҳасида кутубхонанинг сиёсатини амалга ошириш учун харажатлар сметасини ҳисоблаб чиқиш, зарур иқтисодий таҳлил ва молиявий ҳисобни амалга ошириш.

3.11. Мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда Public Relations соҳасида хизматлар кўрсатадиган ихтисослаштирилган кутубхоналар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, шартнома шартларига мувофиқ уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

3.12. Бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда:

- кутубхонанинг реклама стратегиясини ишлаб чиқиш ва режалаштиришда, уни амалга оширишга йўналтирилган алоҳида тадбирларни амалга оширишда;

- товарлар ва хизматлар бозорига кириб бориш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда маркетинг ва ахборот-реклама билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш вазифлари ҳал этилишида;

- ахборотни ҳимоя қилиш ва кутубхона бўлинмалари ўртасида мақбул ахборот алоқаларини ташкил этиш ишида;

- кутубхона ичида қулай ижтимоий-психологик иқлим шакллантирилишида қатнашиш.

3.13. Ўз ваколатлари доирасида кутубхонанинг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга ошириш.

4. Ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

4.1. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-танишиш, тизимли ҳисобга олиш ва ишда фойдаланиш учун ўз фаолияти ихтисослиги бўйича кутубхонага тушадиган ҳужжатларни ва бошқа ахборот материалларини олиш;

-кутубхоналар ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ахборотни сўраш ва олиш;

-жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича кутубхонанинг таркибий бўлинмалари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида текшириш ва мувофиқлаштириш;

-бўлимнинг ва умуман кутубхонанинг иш шакллари ва методларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

-ўз фаолияти ихтисослиги бўйича кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда қатнашиш;

- ўз фаолияти ихтисослиги бўйича бўлимнинг ва кутубхонанинг бошқа таркибий бўлинмалари ходимларининг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш бўйича кутубхона раҳбарига таклифлар киритиш;

-бўлим ваколатига тегишли масалалар кўриб чиқиладиганда кенгашларда қатнашиш.

4.2. Бўлим мудир:

- бўлимга юкланган функциялар ва вазифалар бажарилиши;

- бўлимнинг ишини ташкил этиш, юқори турувчи раҳбариятнинг буйруқлари, фармойишлари, топшириқлари ўз вақтида ва малакали бажарилиши, ўз фаолияти ихтисослиги бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилиши;

- моддий, молиявий, кадрлар ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланилиши;

- бўлимда меҳнат ва ижро интизомининг ҳолати, унинг ходимлари томонидан ўз функционал вазифалари бажарилиши;

- бўлим ходимлари томонидан ички тартиб қоидаларига, санитария-эпидемияга қарши кураш режимиغا, ёнғин хавфсизлигига ва хавфсизлик қоидасига риоя қилиниши;

- амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳужжатлар юритилиши;

- бўлим фаолияти тўғрисидаги ишончли статистик ахборот ва бошқа ахборот белгиланган тартибда тақдим этилиши;

-бўлимнинг фавқулодда вазиятларда ишлашга тайёрлиги учун шахсан жавоб беради.

**ўртасида ҳамкорлик
тўғрисида намунавий шартнома**

Кейинги ўринларда (_____) деб юритиладиган _____ ахборот-кутубхона маркази номидан _____ директор ва кейинги ўринларда (_____) деб юритиладиган _____ номидан Директор қуйидагилар тўғрисида аҳдлашдилар:

1.

Икки кутубхона ўртасида алоқаларни кенгайтириш ва янада ривожлантириш ҳамда минтақалар ўртасида маданий айрибошлашга кўмаклашиш мақсадида Томонлар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради:

1.1. Китоб айрибошлаш бўйича алоқалар. Ўзаро қизиқиш уйғотган нашр этиладиган китоблар ва даврий нашрлар тўғрисида мунтазам ахборот бериш асосида мавзу ва шаклдан қатъи назар барча турдаги жорий ва ретроспектив нашрлар _____ ўртасида айрибошланадиган объектлар ҳисобланади.

1.2. Кутубхоналараро абонемент.

1.3. Иккала кутубхонанинг устав фаолияти билан боғлиқ барча соҳаларда касб бўйича тажриба ва эришилган ютуқларни айирбошлаш (каталоглаштириш ва комплектлаш; кутубхонашунослик ва ахборот фаолияти; хавфсизлик ва консервация; автоматлаштириш ва бошқалар.).

1.4. Мутухассисларни айрибошлаш:

1.4.1. Иккала Томон учун касбий қизиқиш уйғотган муаммолар бўйича мутахассисларнинг стажировкасини ўтказиш.

1.4.2. Мутахассислар гуруҳини маданий айрибошлаш.

1.5. Кўргазмаларни айирбошлаш.

1.6. Биргаликда конференциялар ва семинарлар ўтказиш.

1.7. Рақамли технологиялар соҳасидаги умумий лойиҳалар.

2.

1.5, 1.6 ва 1.7-бандларда қайд этилган ҳамкорлик йўналишлари Томонлар томонидан қўшимча тузиладиган алоҳида шартномалар ёки битимлар асосида амалга оширилади.

3.

Ҳар йили белгиланадиган квота доирасида мутахассислар қуйидаги асосда айирбошланади:

3.1. Томонлар ҳамкор кутубхонада стажировка ўташ учун мустақил равишда мутахассисларни белгилаб олади.

3.2. Томонлар бир-бирларига тенг миқдорда мутахассислар юборади.

3.3. Битта стажировка муддати 5 кунни ташкил этади.

3.4. Юборувчи томон ўз ходимининг йўл харажатларини (бориш ва келиш) ва бир кунлик харажатларини тўлайди.

3.5. Қабул қилувчи томон стажировка ўташ учун келган шахсинг яшаши (истиқомат қилиши ва шаҳар атрофига сафар) билан боғлиқ сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

3.6. Стажировка дастури ва вақти иккала Томон томонидан мувофиқлаштирилган бўлиши керак.

3.7. Йил бошида Томонлар иккала кутубхона директорлари ўртасида обуналар воситасида бўлғуси стажировкалар тўғрисида бир-бирларини хабардор этади.

4.

Мазкур Шартнома молиявий фаолиятни кўзламайди.

5.

Мазкур Шартнома бир йил мобайнида амал қилади ва янги шартнома бўлмаса, ўз-ўзидан яна бир йилга узайтирилади. Бунда ҳар бир Томон шартнома бекор

таъминланишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб ўзаро буюртмаларга биноан республикада ҳужжатлар айирбошлаш доирасида кутубхона ҳужжатларининг барча турларини айирбошлайдилар.

2. Мазкур шартнома бўйича маърифий, юридик, илмий-техник, маданий ва ахборот хусусиятига эга бўлган нашрлар (китоблар, даврий нашрлар, хариталар ва режалар, фотосуратлар, муסיқий партитуралар ва бошқа босма ва электрон материаллар) айирбошланиши мумкин.

3. Ҳужжатлар Томонлар томонидан тўловсиз айирбошланади.

4. Томонлар ҳужжат айирбошлаш натижасида олинган нашрлардан тижорат мақсадларида фойдаланилмаслигини кафолатлайди.

5. Жорий мажбуриятларнинг бажарилиши ихтиёрий шаклда тузиладиган илова қилинадиган ҳужжатларда белги қўйиш йўли билан Томонлар томонидан тасдиқланади.

6. Ушбу шартноманинг амалга оширилиши айирбошлаш учун тақдим этиладиган нашрларнинг ахборот жиҳатидан аҳамиятлилиги мувафиқлиги принципларига асосланади.

7. Ушбу шартноманинг амал қилиши махфий ҳужжатларга, хизмат хат-хабарларига ва бошқа ошкор этилмаган ҳужжатларга татбиқ этилмайди.

8. Мазкур битимнинг барча тафсилотлари шартлашаётган томонлар томонидан иш тартибида белгиланади.

9. Томонлар асл нусха нусха олингунига қадар мазкур шарноманинг факсда юборилган нусхаларининг юридик кучга эга эканлигини эътироф этади.

10. Мазкур Шартнома томонларнинг ҳар бири учун биттадан тенг юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

11. Мазкур Шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилмаган ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларига амал қилади.

12. Мазкур шартнома имзо қўйилган вақтдан бошлаб кучга киради ва муддатсиз вақт давомида амал қилади. Шартноманинг амал қилиши Томонларнинг бирининг ёзма хабарига кўра бекор қилиниши ёки вақтинча тўхтатилиши мумкин.

13. Мазкур Шартнома бўйича Томонлар ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида келиб чиқадиган барча тафовутлар ёзма келишувлар ва оғзаки музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ИМЗОЛАРИ:

**Ҳамкор-
Ҳамкор- 2**

1

**Хизмат кўрсатиш тўғрисидаги намунавий
шартнома**

200 _ й. « ___»

Кейинги ўринларда "Кутубхона" деб юритиладиган ахборот-кутубхона муассасаси (АКМ, АРМ, кутубхона) кутубхона директори томонидан берилган Ишончнома асосида иш кўрадиган хизмат кўрсатиш бўлими мудири (ф.и.о.) _____,
(ф.и.о.) _____, ва (АКМ номи) _____
(ф.и.о.) _____, паспорт сер. _____
№ _____, берилган _____,
кейинги _____,

Ўринларда «Фойдаланувчи», деб аталади, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1.1. Ахборот-кутубхона муассасасидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ «Кутубхона»да «Фойдаланувчи»га хизмат кўрсатиш.

2. «Фойдаланувчи»нинг ҳуқуқлари

